

«Қуръон мусобақаси-2024» яқунланди



10:34 / 17 февраль 2625

Тошкент ислом институтида Таъфизул Қуръон кафедраси томонидан талабалар ўртасида «Қуръон мусобақаси - 2024» кўрик танлови ўтказилди.

Қуръон мусобақасининг финал босқичига шайх Алижон қори ҳам ташриф буюрди.

“Қуръон мусобақаси-2024” финал босқичида иштирок этган мураттаб қорилар ҳакамлар ҳайъати томонидан қуйидагича, 100 баллик мезонда баҳоланди:

Ҳифз-40 , тажвид-40, савт-10, тараннум-10.

Мусобақада қуйидаги натижалар қайд этилди:

1-ўрин: Сирожиддин қори Жалилов, 2-курс талабаси;

2-ўрин: Аҳмадуллоҳ қори Ғофуржонов, 4-курс талабаси;

3-ўрин: Муҳаммадамин қори Нажмиддинов, 1-курс талабаси.

“Қуръон мусобақаси-2024” финал босқичи 1-ўрин соҳиби, Тошкент ислом институти талабаси Сирожиддин қори Жалилов УМРА йўлланмасини қўлга

киритди.

Аввалги мақола: <https://islom.uz/maqola/21781>



